



ЎҚУВЧИ ШАХСИГА МУНОСАБАТЛАР ВА БОЛА АТРОФДАГИЛАР БИЛАН МУНОСАБАТНИНГ АЙРИМ ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Шербўтаев Холбўта¹

¹ Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги

4-мактаб амалиётчи психологи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813746>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021

Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021

Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

ўқувчи шахси,
муносабат, болага
муносабат, психологик
омил, индивидуал
ёндашув.

ANNOTATSIYA

Мақолада мактаб таълимида ўқувчи шахсига муносабатлар ва бола атрофдагилар билан муносабатнинг айрим психологик масалалари ҳамда ўқувчиларга индивидуал ёндашув ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга оид фикрлар билдирилган.

Психологияда шахснинг индивидуал хусусиятлари деганда бир шахсни иккинчи шахсдан фарқлайдиган хусусиятлар тушунилади. Индивидуал ёндашувнинг вазифаси – ривожланишнинг индивидуал усуллари аниқлаш, боланинг имкониятларини ҳар бир шахснинг фаоллигини таъминлашдан иборат. Таълимни модернизациялаштириш таълим жараёнида билим, кўникма, малакаларини шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Ўқувчи шахсининг мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис этиш, танқидий фикрлаш каби сифатлар билан боғлиқ функциялари таълимнинг шахсга йўналтирилган тизими

воситасида амалга оширилади. Бунда ўқувчи таълим тизимига мослаштирилмай, аксинча, таълим тизими турли шахсга хос барча хусусиятларини (эркинликка интилувчанлик, мустақиллик, шахсий фикрларнинг мутлоқ ўзига хос тизимга эга бўлиши, ўз-ўзини тасдиқлаш эҳтиёжининг мавжудлиги) ҳисобга олган ҳолда, ўқувчига унинг ўзига хослиги (индивидуаллиги)ни ривожлантириш имконини бериш, унинг ўз-ўзини ривожлантириши, намоён этиши учун шароит яратиш лозим. Зеро, ҳар қандай ўқувчи ўзига ва фақат ўзигагина хос такрорланмас табиати, характер хусусиятини



фаоллаштириш ва намоён этишга интилади.

Бугунги кунда мамлатимиз амалиётчи психологлар фаолиятини меъерий-ҳуқуқий ҳамда услубий таъминлаш мақсадида қатор илмий-методик адабиётлар, услубий қўлланмалар ва услубий тавсиялар чоп этилган. Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Ўқувчи муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлиб қолмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга ўқувчида ўқув предметига нисбатан ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасига эришади. Масалан, АҚШ мактабларида энг муҳим дастурлардан бири – “Шахсни ривожлантириш” (Character Education) дастурининг мақсади болаларда ҳурмат, масъулият, жавобгарлик, ўзи ҳақида ва бошқалар ҳақида қайғуриш, ҳамкорликда фаолият юритиш каби шахсий сифатларни шакллантиришга қаратилган.

Алоҳида фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар болаларнинг қизиқишларини ўрганиб чиқиб, уларни турли тўғарак ва секцияларга жалб қилишади. Мактабда турли тадбирлар ўтказишади. Бу тадбирларни ўтказишда ота-оналар ва собиқ ўқувчилар ёрдамидан фойдаланишади, мактабга машҳур кишиларни чақиривчи. Мактаб ёшидаги болаларнинг асосий ижтимоийлаштирувчи омили болалар субмаданиятини шакллантирувчи тенгқурлар жамоасидир.

Ижтимоий педагог бу ҳодисаларнинг функцияларини билиши,

уларнинг ўқувчиларнинг шахсий ҳислатлари ва ижтимоий муносабатларини ривожлантиришдаги ўринларини кўра олиши лозим. Бола ижтимоийлашувининг шартларидан бири тенгқурлар билан муносабатга киришишдир. Бу муносабат болалар боғчаси гуруҳи, мактаб синфлари, турли норасмий болалар ва ўсмирлар бирлашмалари каби кичик гуруҳларда шаклланади. Болалар ва ўсмирлар гуруҳларида тенгдошлар орасида функционал, эмоционал шахсий муносабатлар ўрнатилади. Тенгқурлар гуруҳи одатда аъзоларининг ҳудудий яқинлиги асосида шаклланади.

Тенгқурлар гуруҳи индивидуал қизиқишларнинг мос тушиши, расмий ташкилот (синф, гуруҳ ва бошқалар) борлиги ва гуруҳ аъзолари ўртасида шахсий муносабатлар мавжудлиги туфайли шаклланади. Бу муносабатлар гуруҳ аъзоларининг характер ва ўзаро таъсирларида, шунингдек синфда ролларни тақсимлашда намоён бўлади. Экспуриментал тадқиқотларда етакчиси бўлмаган гуруҳ аниқланмаган. Соҳавий етакчилар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, ақлий, эмоционал, ишбилармон етакчи бўлиши мумкин. Тенгқурлар гуруҳини бир неча параметрлар бўйича таснифлашимиз мумкин. Ижтимоий тизимидаги юридик мақомига кўра тенгқурлар гуруҳлари расмий, яъни жамият томонидан тан олинган, бирор бир давлат ёки жамоат ташкилоти билан боғлиқ бўлган гуруҳлар ва норасмий ўз-ўзидан мавжуд бўлган гуруҳларга бўлинади.

Ижтимоий психологик мақомига кўра улар иккига бўлинади, яъни мансублик гуруҳи-унинг ҳақақий



аъзолари мавжуд (синф, спорт клуби ва бошқалар) ва референт гуруҳи- бунга инсон мансуб эмас, бироқ ҳаёлан таянади. Сўнги 10 йилликларда тенгқурлар гуруҳлари вояга етаётган авлод ижтимоийлашувида энг муҳим микроомиллардан бирига айланди. Аввалги даврларга қараганда уларнинг ўрни анча жиддийлашди, бунга бир қатор жараёнлар ўз таъсири кўрсатди. Урбанизация шунга олиб келдики, борган сари кўп болалар, ўсмирлар шаҳарларда яшашяпти ва у ерда кўпроқ тенгдошлар билан муомала қилиш имконига эга бўлишмоқда. бу муомалани катталар тўлиқ назорат қила олишмайди.

Катта оиланинг кичиклашуви бир болали ва тўлиқсиз оилаларнинг кўпайиши, оилаларнинг нотўғри ташкиллаштирилганлиги болалар учун оиладаги эмосианал алоқаларнинг этишмовчилигини уйдан ташқарида тўлдириш заруриятини келтириб чиқаради. Болалар, ўсмирлар ва ўспиринлар бир вақтнинг ўзида бир неча бир-бирдан фарқланувчи гуруҳларга аъзо бўлишлари мумкин. Расмий гуруҳлар (синф, спорт тўғараги ва бошқалар) болалар ижтимоийлашувига улар ҳаётий фаолиятининг мазмуни, уларда шаклланган ўзаро муносабатларнинг характерига боғлиқ равишда таъсир кўрсатади.

Норасмий гуруҳлар болалар, ўспиринлар ва ўсмирлар ижтимоийлашувига уларнинг таркиби, йўналтирилганлиги етказилик турига кўра таъсир кўрсатишади. Турли ёш ва ижтимоий маданий хусусиятларга эга бўлишига қарамай тенгқурлар

гуруҳининг ижтимоийлашувдаги функциялари универсалдир.

Биринчидан, гуруҳ аъзоларини шу жамият маданиятига ўргатади, яъни уларнинг хулқ-атворини гуруҳ аъзоларининг миллий, диний, минтақавий, ижтимоий мансублигига мослаштиради.

Иккинчидан, тенгқурлар гуруҳларида ижобий хулқ-атворга ўргатилади. Бу уларга намунавий хулқ-атворларни кўрсатиш, ғайри ижтимоий хулқ-атворларга нисбатан чора қўллаш орқали амалга оширилади.

Учинчидан, тенгдошлар гуруҳлари болалар, ўсмирлар ва ўспиринларнинг катталар, хусусан оналар таъсиридан автаномлашувлари жараёнида муҳим ўрин тутаяди.

Тўртинчидан гуруҳ ўз аъзоларига ёш субмаданиятидан мустақил бўлиш имконини беради. Ўртоқлар ва оғайнилар гуруҳлари кийиниш, юриш-туриш борасида тенгдошлар жамиятига мос бўлишга ҳаракат қилишади. Шу билан бир вақтда ўз мустақилликларини ҳам сақлашади. Яъни бошқа болаларни ўз гуруҳларига қўшмасликка ҳаракат қилишади.

Бешинчидан, тенгдошлар гуруҳлари болалар томонидан ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини белгилаб олиш масалаларини эчишга қулай ёки ноқулай шароитлар яратиб беради.

Олтинчидан, гуруҳ ўз аъзолари томонидан “экологик чуқурлик” сифатида қабул қилинадиган спесифик ижтимоий ташкилот ҳисобланади. Гуруҳда эмоционал ва шахсий муносабатлар ҳам шаклланади. Болалар



ва ёш ўсмирлар гуруҳларида эмоционал муносабатларнинг асосий функцияси тенгқурлар хулқ-атворини умумқабул қилинган хулқ-атвор нормаларига мослашдир. Бу ҳолатда дўстлик ришталари, симпатия биринчи ўринга кўтарилади. Аслида улар онтогенезда анча аввал пайдо бўлишган. Агар мактабгача ёшдаги бола уларга амал қилса, бу ҳолат бошқа болалар томонидан ижобий қабул қилинади. Шахсий муносабатлар гуруҳдаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, бунда бир бола хулқ-

атворининг сабаби бошқа бола учун шахсий маънога эга бўлади.

Шахсий муносабатлар бола атрофдагилар билан муносабатда катталар ролини бажарганда ёрқин намоён бўлади. Болалар ҳамжамияти болалар субмаданиятининг ташувчиси ҳисобланади. Болалар субмаданияти-бу болаларга жамиятга кўникишларига ва ўз нормаларини яратишларига кўмаклашувчи маданий ҳудуд ва муомала доирасидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. Т., "Ўзбекистон", 2001.
2. Реан А.А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. Спб. 2000
3. Дустмухамедова Ш.А. Ўқитувчиларнинг укув фаолиятларини бошқариш психологияси. Тошкент, 2000.
4. Маркова А.К. Формирование мотивации учения: Книга для учителя. М., 1990
5. Гафаров А.З., Югай А.Х. Педагогик амалиёт. Тошкент, 2002